

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 18-oktabr, shanba № 83 (15825)

18-oktabr — Samarqand shahri kuni

Регистон мажмуасига ташриф буюрган меҳмон тушлик вақти бўлиб қолгани сабаб барча обидаю кўрғазмаларни томоша қилишга улгурмай меҳмонхонага қайтишга мажбур бўлди. Лекин дастурда кўзда тутилмаган бўлса-да, куннинг иккинчи ярмида яна Регистонга бормоқчи эканини айтди. Меҳмонлар меҳмоннинг хоҳишига қарши бормади — мажмуадаги бу галги саёҳат бир неча соатга чўзилди.

САМАРҚАНДНИНГ ЮРАГИ

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги қадимий обидалар, тарихий иншоотлар, сайёҳлар талпинадиган жойларда бўлганман, аммо Регистондаги каби ҳайратланмаганман, — дейди меҳмон. — Унинг ўзига хос архитектураси кишини сеҳрлаб қўяди, мадрасалар деворидаги ҳар бир шакл ва ёзув бир олам маъно ифодалайди. Мажмуа билан танишиш чоғида менга унинг тунги манзараси янада жозибали бўлишини айтишди. Имкони бўлса, кечки пайт бориб, унинг гўзаллигидан баҳраманд бўлишни, меҳмондўст

самарқандликлар билан суҳбатлашишни истардим.

Бу шунчаки ҳикоя ёки узоқ ўтмишда бўлган воқеа эмас. Яқинда юртимизга келган юқори мартабали хорижлик меҳмон билан бўлган суҳбат.

Дарҳақиқат, Самарқандга саёҳат ёки бирор юмуш билан келган ҳар қандай киши, албатта, Регистонни кўришни истайди. Дунёга машҳур бу обиданинг нилий гўмбазлари, улкан миноралари салобатию маҳобатидан баҳраманд бўлишни орзу қилади.

(Давоми 3-саҳифада)

ТИЛ БОРКИ, МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

21-oktabr — O'zbekiston Respublikasining «Davlat tili haqida»gi Qonuni qabul qilingan kun

«Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она ласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир», дейилади Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига.

Дарҳақиқат, она тили — эзгу фазилатлар, юксак туйғулар манбаи. Ҳеч қандай бойликка алмашилмайдиган, баҳоси ва аҳамиятини бирор нарса билан

қийслаб бўлмайдиган буюк қадриятдир.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига чорак аср тўлиши муносабати билан шу соҳада хизмат қилиб, тилнинг нозик қирраларини ёшлар қалбига жо этаётган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчиларининг қадимги туркий тил, унинг тараққиёт босқичлари, ҳозирги ўзбек адабий тилининг ўзига хос нозик

жиҳатлари, ажодларимизнинг ўзбек тили ривожига хизмат қилган бой маънавий мероси, унинг бугунги ҳаётимиздаги, ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақидаги фикрлари билан кизиқдик.

Газетамизнинг 4-, 5-саҳифаларида берилётган фикр-мулоҳазалар, умид қиламизки, сизни бефарқ қолдирмайди.



Жасур БОЙҚЎЗИЕВ:

Mustaqillik farzandlari

«Ҳаётда спортдан ҳам муҳимроқ нарсалар бор...»



Икки кун ичида турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг хорижда эришган муваффақиятлари ҳақида тўртта хушxabар ўқидим. Бири Португалия, бири Россия, бири Озарбойжон, яна бири Грециядан тарқатилди. Мавриди келса, улар ҳақида ҳам батафсил тўхталамиз ҳали. Мени қувонтирган нарса нима, биласизми? Юртдошларим-жигарларим узоқ-узоқ ўлкаларда туриб, бир-бирларидан мутлақо беҳабар ҳолда Ватан номини улуғлади. Бири кулол, бошқаси санъаткор ёки спортчи. Хўш, турфа соҳа вакиллари бўлган бу фидойи инсонларни бирлаштириб турган туйғу нима? Менингча, бу юрт шаънини ҳар нарсадан устун билиш туйғусидир!

Яқинда ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз эришган зафар замирида ҳам аслида мана шу туйғу бирламчи аҳамиятга эга бўлгани рост. Инчонда юрт байроғини баланд кўтарган ёшларимиздан бири Жасур Бойқўзиевдир. Тазквондонинг WTF йўналиши бўйича шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган иқтидорли спортчи билан суҳбатимиз асосан мазкур мусобақа таассуротлари ҳақида кечган бўлса-да,

ундаги мулоҳазаларнинг барчасини фақат спортга оид деб бўлмайди. Зеро, Жасурбек спортчи бўлишига қарамай, кенг мулоҳазали, ўзига хос дунёқарашга эга йигит эканини намён этди.

1986 йил Ангрэн шаҳрида туғилган қахрамонимиз қитъа миқёсидаги энг нуфузли турнирда зафар кучгунга қадар кўплаб халқаро мусобақаларда тобланди.

(Давоми 6-саҳифада)

Мьянмада давом этаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси муддатидан олдин жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Kun voqeasi

Ёшлар жаҳон чемпионатида!

Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги ёшлар терма жамоамиз 17 октябрь куни чемпионатнинг чорак финалида таиландлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида мағлуб этди.

Мазкур турнир ўз навбатида келаси йил Янги Зеландияда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида саралаш вазифасини ҳам ўтаб бериши аввалдан маълум эди. Шу боис футболчиларимизнинг қитъа чемпионатида муносиб тайёргарлик кўриши учун Ўзбекистон футбол федерацияси барча шароитларни яратиб берди. Федерация раҳбарияти, терма жамоа мураббийлар штаби, футболчилар меҳнати ўз самарасини берди. Гуруҳда индонезиялик ёшларни енгиб, БАА ва Австралия вакиллари билан дуранг натижа қайд этган Равшан Ҳайдаров шогирдлари, мана, таиландлик тенгқурлари устидан ҳам зафар кучишди, отасига балли!


«Turkiston»чилар



2 Истеъдодлар беллашуви



7 ИШТАҲА — саломатлик барометри



«Kamolot» ko'z'gusi»

ЯНГИЧА НИГОХЛАР

Чўнг ва мағрур тоғлар. Мавжланиб оқаётган дарё. Қушлар мусаффо осмонда парвоз қилмапти, балки рақсга тушяпти... Юртимизнинг энг хушманзара гўшаларидан бири — Нурота тоғ тизмаси ҳақидаги картина тасвирланган видеороликни томоша қиларканмиз, ўзимизни худди ўша жойда тургандек ҳис этдик.

Паловни ким ҳам хуш кўрмайди, дейсиз?! Бу таом ошпаз меҳри билан янада мазали, тўйимли бўлади. Палов ҳар бир ҳудуднинг урф-одати, одамларнинг табиатига қараб турлича тайёрланар экан. Ҳўш, наманганлик ошпазлар ошни қандай пиширади? Бу ҳақда Маъмуржон Эргашев тайёрлаган видеороликдан батафсил маълумот олиш мумкин.

Қорақалпоқ дутори. Бу чолғу асбоби қорақалпоқларнинг ўтмиши ва бугунидан «сўзлайди». Дутордан янграётган сокин, жўшқин наво хаёлингизни бир зум бўлса-да узоқ-яқин манзилларга етаклайди. Қорақалпоғистонлик Мейрбек Юсупов оламўйноқ дутори устаси, 75 ёшли Бозорбой отанинг устахонасидан кўрсатув тайёрлаган. Видеороликда у киши «Элларим бордир» кўшигини куйлайди...

Ушбу тасвирларда юртимиз жамоли бор бўйбасти билан намоён

бўлади. Уни кўрган киши борки, албатта, бу гўзалликнинг шайдосига айланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан илк маротаба ўтказилаётган «Янги нигоҳ» видеороликлар танловига келиб тушган ижодий ишларни кузатиб, кадрларга муҳрланган ушбу гўзалликка биз ҳам маҳлиё бўлдик ва шундай юртда яшаётганимиздан қалбимиз ғурур-ифтихорга тўлди.

Танловда ўн тўрт ёшдан ўттиз ёшгача бўлган икки юз нафар йигит-қиз уч юздан ортиқ ижодий ишлари билан қатнашди.

Мамлакатимизда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш ва ёш авлодда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат туйғусини шакллантиришга қаратил-

ган мазкур танловга жорий йилнинг 25 апрелидан 1 октябрга қадар юртимизнинг барча ҳудудларидан ижодий ишлар қабул қилинди. Шу кунларда танловга келиб тушган видеороликлар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилмоқда.

— Бу ишларни баҳолаш осон бўлмапти, — дея ижодий ишлар тўпламини кўрсатди Ўзбекистон Фанлар академияси мутахассиси Гулнора Фаниева. — Тақдим этилган видеороликлар бири-бирдан ажойиб, юртимиз жамоли, азиз қадам-жолар бетакрор сюжетларда акс этган. Улар чиндан ҳам тенгдошларимиз дукнёқарашининг кенглиги, ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан пишиқ тайёрланганини кўрсатади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, олдинда бизни бундан ҳам сермазмун, ажойиб видеороликлар кутиб турибди.

«Янги нигоҳ» танлови якунида «Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик», «Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик», «Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик», «Видеоролик

сценарийси учун энг яхши ғоя», «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

Мазкур танловда сизнинг ҳам иштирокингиз муҳим. Қандай дейсизми? Бу оддий. Сиз шунчаки, www.videotanlov.uz сайтида жойлаштирилган ижодий ишларга овоз беришингиз мумкин. Танлов якунида турли номинациялар бўйича ўттиз нафар иштирокчи соvrинли ўринларни қўлга киритади.

— «Янги нигоҳ»нинг саралаш босқичларида сараланган саксон нафар иштирокчининг барчаси тақдирлаш маросимида қатнашади, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Яъни ҳар бир иштирокчига аталган совғаларимиз бор. Шунингдек, миллий либосларда келган томошабинлар ҳам муносиб тақдирланади.

«Янги нигоҳ»нинг тақдирлаш маросими жорий йилнинг декабрь ойида ўтказилиши режалаштирилган.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

«Kamalot yulduzlari — 2014»

Истеъдодлар бемашуви

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат консерваториясида «Камалот юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган тўрт юздан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди.

Истеъдодли болаларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, маънавий оламини бойитиш, санъатга қизиқшини ошириш, айниқса, миллий санъатимизни ривожлантиришга бел боғлаётган ҳаваскор жамоалар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган мазкур фестиваль «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Танловда иштирокчилар уч кун давомида «Классика», «Вокал», «Миллий чолғулар», «Рақс», «Тасвирий ва амалий санъат», «Наср ва назм» каби йўналишлар бўйича маҳоратларини намоён этди. Истеъдодли йигит-қизлар фортепиано, торли-камонли, дамли, зарбли чолғу асбобларида миллий ва замонавий куйларни ижро этди, шеър ўқиб, рақсга тушди. Пойтахтимиздаги 23-музыка ва санъат мактабининг 5-синф ўқувчиси Дилбар Олиматованинг дуторда ижро этган куйи томошабинларга манзур бўлди.

— Фестивалда қатнашаётган бир-биридан истеъдодли дўстларимни кўриб, тўғриси, ҳаяжонландим, — дейди Дилбар. — Ўзимга бўлган ишонч менга куч берди. Дуторни яйраб чалдим.

«Камалот юлдузлари» фестивалида миллий, бал ва замонавий рақсалар композицияси билан қатнашган «Шодиёна» гуруҳи ҳам йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди.

— Танловда иккинчи бор иштирок этишимиз, — дейди гуруҳ аъзоси Маҳлиё Қосимова — Жамоамиз билан андижонча рақсга астойдил тайёргарлик кўрдик. Мазкур фестиваль санъат дунёсига етаклайдиган илк зинаюямиз бўлишига ишонаман.

«Камалот юлдузлари»да Муслима Анварова «Ўзбекистон либослари» деб номланган ижод намуналарини тақдим этди.

Пойтахтимиздаги «Ёшлар маданият ва санъат маркази»да фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда 20 нафар танлов иштирокчиси ғолиб бўлди. Уларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Совринли ўринларни эгаллаган йигит-қизлар фестивалнинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Маросимда жажжи болалар ижросидаги куй-кўшик, рақслар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

— Бугунги танловда ғолиб бўлганимдан жуда бахтиёрман, — дея қувонч ёшларини яшира олмади Орастабону Тиллабоева...

«Камалот юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали ғолибларининг ижодий фаолияти доимий қўллаб-қувватланади, шунингдек, танловда энг яхши ижодий ишлар намуналари кўргазмалари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

Xabarlar

«Саломатлик» ҳафталиги

Навоий вилоятида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Саломатлик» ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик доирасидаги тадбирлар Навоий шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада ҳам ташкил этилди.

Поликлиникада пойтахтдан келган малакали шифокорлар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди. Унда минг нафардан ортиқ юртдошимиз тиббий текширувдан ўтди. Кўрик давомида касаллиги аниқланган фуқароларга вилоят ҳамда Тошкент шаҳридаги шифохоналарга йўлланмалар берилди.

Ҳафталик давомида «Навоийазот» ОАЖ тиббий-санитар қисми, вилоят перинатал маркази ҳамда вилоят шошлинч тез тиббий ёрдам маркази ҳамкорлигида олтинчи орти нафар аёлга ихтиёрий контрацептив жарроҳлик амалиёти қўлланилди. Маҳаллаларда ҳам тиббиёт маданиятини юксалтириш борасида амалий семинарлар ташкил этилди.

Бундай тадбирлар аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири

2014-yil — Soғ'lom bola yili

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Фарғонада «Фарзанд табассуми — оила қувончи» деб номланган хайрия акцияси бўлиб ўтди. Тадбир доирасида икки юздан зиёд бемор бола чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, юз нафари пластик операция қилинди.

Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ишлар баркамол авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётди. 2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб номланиши ва шу асосда ишлаб чиқил-

ган «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат дастурининг 49-бандига мувофиқ, болаларни республика клиникалари ва тиббиёт марказларида ҳамда чет элда соғломлаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Жумладан, юқори лаб ва қаттиқ танглай, бўйин қийшайиши, оёқдаги туғма нуқсонлар ва ортопедик касалликларга чалинган ҳамда юрак етишмовчилиги билан туғилган ва сурункали остеомиелит билан касалланган болаларни даволаш, куйиш асоратлари бўлган болаларни пластик операция қилиш кўзда тутилган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда давлат муассасалари билан бирга нодавлат ташкилот-

лар, хусусан, «Соғлом алод учун» халқаро хайрия фонди ҳам фаол иштирок этаётди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда Туркия халқаро ҳамкорлиги ва ривожланиш агентлиги (ТИКА) ҳамкорлигида ўтказилган хайрия акцияси худди шу мақсадга қаратилган.

Акция доирасида Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон ва туркиялик шифокорлар юқори лаб ва қаттиқ танглай, юз-жағида туғма нуқсонли бўлган бемор болаларни тиббий кўриқдан ўтказди. Кўрик натижаларига кўра оғир деб топилган бемор болалар жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

Men saylovga tayyorman

Келажак учун овоз берамиз

Сайлов демократик мамлакатнинг кўзгусидир. Чунки давлатларда юз бераётган ривожланиш ва ислохотларнинг даражаси айнан сайловларнинг қай шаклда ўтказилаётганига қараб белгиланади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, сайловларнинг очиқ ва адолатли тарзда ўтиши давлатнинг демократик тамойиллар асосидаги сиёсати билан бирга фуқаролар сиёсий онгининг юксаклиги, ижтимоий фаоллигига ҳам боғлиқдир. Яъни сайловда қатнашаётган шахснинг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги қанчалик юқори бўлса, у овоз бериш жараёнига шунчалик масъулият билан ёндашади. Бундай фуқаролар бераётган овози унинг келажакига таъсир кўрсатишини, мамлакатнинг янада юксалиши учун улкан туртки беришини яхши тушунади.

Шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказилишидан барчамиз яхши хабар-

дормиз. Юртимизда сайловчиларнинг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Сайлов жараёнида уларга катта масъулият юкланади. Чунки улар сайловда оддий фуқаро эмас, балки мамлакат тақдири ва келажакига дахлдор шахс сифатида ўзини намоён этади. Биз ана шундай фаол тенгдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик.

**Камола Файзуллаева,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси,
«Жамият ва мен» кўриктанлови голиби:**

— Менинг бугунги танловим оддий танлов эмас, балки келажакимни белгилаб берувчи, ҳаётимда илк мартаба иштирок этаётган биринчи сиёсий танловим, биринчи сайловимдир. Мен кимга

овоз беришни кўп ўйлаяпман. Чунки ўйламасдан сайловда қатнашгим ёки энг таниқли номзодга шунчаки овоз бериб қўйгим келмапти. Менинг биргина овозим кўп нарсаларни ҳал қилишига ишонман. Сайлов нафақат сайланувчи, балки сайлаётган инсон ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзим танлаган номзодга овоз берар эканман, аввало, мен юртимиз тинчлигини, халқимизнинг фаровон ҳаётини ва Ватанимизнинг эртанги кунини кўз олдимдан ўтказиб, жамият ривожини ва олдимишга мақсад қилиб қўйган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти яратишдек бошланган ишимизнинг масъулиятини ҳис қилган ҳолда иш юритишим лозим. Бу вазифага ёндашишда енгил-елпилик, бефарқлик қилмаслигим зарур. Зеро, сайлов жараёнига масъулият билан ёндашиш ўзини шу юртнинг фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсоннинг бурчидир.

**Мафтуна Норматова,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори:**

— Мен туғилган чоғимда инсон деган муқаддас номга ҳамда яшаш ҳуқуқига эга бўлдим. 16 ёшимда эса фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат — паспорт олдим. «Соғлом бола йили»да илк бора сайлаш ҳуқуқимдан фойдаланман ва ҳаётимда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ушбу воқеага жиддий тайёргарлик кўраяпман. Сайлов — демократик жамиятнинг асосий белгиларидан биридир. Ҳар бир фуқаро сайлов жараёнига масъулият билан ёндашиши ҳамда овоз беришда онгли равишда ўзи ва жамият учун энг муносиб деб билган инсонни сайлаши лозим, деб ўйлайман. Шундай масъулиятли вазифа зиммамизда экан, биз ушбу сайловда фаол иштирок этишимиз шарт. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, юрт келажак — ёшлар қўлида.

**Юлдуз Зоирова,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти
совриндори:**

— Бу йил сайловда илк бор иштирок этаман ва бу менинг ҳаётимда алоҳида аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Чунки мен юртимнинг эртанги кунига, порлоқ келажакига ўз ҳиссамни қўшмоқдаман. Бу мен учун улкан бахт. Юртбошимизнинг байрамларда, турли хил тадбирлардаги табриклари, нутқларига эътибор қиладиган бўлсак, доимо биз ёшларга алоҳида урғу бериб ўтадилар, бизларга ишонч билдирадилар. Шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда биз доимо юртимиз шаънини кўларга кўтаришга интилишимиз лозим. Сайловолди жараёнларни катта қизиқиш билан кузатиб борапман.

**Жавлон ВАФОЕВ
ёзиб олди.**

САМАРҚАНДНИНГ ЮРАГИ

**(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)**

— «Регистон» сўзи «қумли жой» деган маънони билдиради, — дейди Регистон ансамбли мустақил дирекцияси раҳбари Бехруз Маъруфий. — Мазкур сўзнинг ушбу майдонга нисбатан қўлланиши тарихига назар соладиган бўлсак, ўтмишда бу ерда катта ариқ оқиб ўтганию қуриб қолганидан сўнг унинг ўрнида қумлоқ жой қолгани ҳақида маълумотлар бор. Кейинчалик ҳудудда савдо ишлари амалга оширилган ва Регистон номини олган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Регистон йирик савдо ва маданий марказга айланган. Шаҳарга келадиган олтита асосий савдо йўли айнан шу масканд туташган.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги йилларида майдонда қайтадан режалаш-

тириш ишлари амалга оширилиб, ғарбий қисмида дастлабки йирик иншоот — Улуғбек мадрасаси қурилган. Шунингдек, тарихий манбаларда қайд этилишича, бу ерда «Масжиди Муқаттаъ», «Ҳаммоми Мирзойи» деб аталган ҳаммом ҳам бунёд этилган. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай қайдлар келтирилади: «Мирзо Улуғбек яна ушбу мадраса ва хонақоҳда совуқ яхши бир ҳамом солибдур. Мирзойи ҳамом номи ила машҳурдур, ҳар навъ тошлардин фарзлар қилибдур, Хуросону Самарқандда андак ҳамом маълум эмаским, бўлғай».

Кейинги даврларда бу иншоотлардан фақат Улуғбек мадрасаси сақланиб қолган. XVII асрнинг биринчи ярмида ушбу мадраса архитектура сифатида монанд Шердор ва Тиллакори мадрасалари қурилади ҳамда Регистон майдонининг

ҳозиргача асраб-авайлаб келинаётган яхлит композицияси яратилади.

Шарқона шаҳарсозлик санъатининг мукамал асари ҳисобланган Регистон мажмуаси юртимиз тарихининг турли даврларида эътибордан четда қолиб келди. Уни асраб-авайлаш, обод этиш ўрнига оёқости қилишга ҳаракатлар бўлди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ажодларимиздан мерос тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш, қайта тиклаш, буюк алломаларимиз илмий-маънавий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли Регистон мажмуасига ҳам эътибор ошди. Уни асраш, келгуси авлодларга безавол етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги тантаналари илк бор Регистон майдонида нишонланди. Шу муносабат билан мажмуада таъмирлаш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу тадбирлар Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейлари муносабати билан бутун Самарқанд шаҳрида амалга оширилган улкан қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари чоғида давом эттирилди.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш йўлга қўйилди. Ҳар икки йилда дунё мамлакатлари мусиқа ва санъат намоёндалари Самарқандда жам бўлиб, Регистон майдонидаги улкан саҳнада ўз дастурларини намойиш этмоқда. Мирзо Улуғбек мадрасаси яна йирик халқаро илмий анжуманлар марказига айланмоқда. Шердор ва Тиллакори мадрасаларида доимий равишда фаолият кўрсатадиган мажмуа тарихига оид ва миллий хунармандлик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилган.

Нуфузли халқаро анжуманлар, тантанали маросимлар ўтказилаётган Регистон ансамбли билан кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари

амалга оширилмоқда.

— Мажмуа майдони ва атрофида ободонлаштириш ишлари якунига етказилди, — дейди Регистон ансамбли мустақил дирекциясини таъмирлаш ишлари назоратчиси Давлат Ҳакимов. — Бунда, аввало, ёмғир ва қор сувларини мажмуадан чиқариш тизими яратилди. Чунки шу пайтгача мадрасалар ичида бундай тизим бўлса-да, майдон ва унинг атрофида йўқ эди. Эндиликда бу муаммага барҳам берилди ва обидаларни сақлаш имконияти янада кенгайди. Мажмуа майдони амфитеатр кўринишига келтирилиб, 7500 метр квадрат саҳнага эга ҳудудга гранит тошлари терилди. 24 зина қурилиб, ўриндиклар қўйишга мослаштирилди. Обида атрофида ҳам замонавий йўлаклар, майсазор ва гулзорлар барпо қилинди. Шунингдек, обидани ёритиш тизими янгилаб, олти тилда янговчи

«Самарқанд юраги» номи нурли ва овозли панорама ташкил этилди. Ҳозир Мирзо Улуғбек мадрасасида ташқи кошкорлик, мадраса гумбазини тиклаш ишлари давом этмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил 18 октябрда Самарқандда ўтказилган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ушбу кунни Самарқанд шаҳри кунини сифатида нишонлашни таклиф этди. Ўша кунни шаҳарга Амир Темур ордени топширилди. Шундан буён ҳар йили бу сана кенг нишонлаб келинмоқда. Бу йил ҳам Самарқанд кунини муносабати билан шаҳардаги маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда маданий-маърифий тадбирлар, адабий кечалар ўтказилмоқда.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири**



Жасур БОЙКЎЗИЕВ:

«Хаётда спортдан ҳам муҳимроқ нарсалар бор...»

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

— Жасур, сиз Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Осиё чемпионисиз. Германиянинг Гамбург шаҳрида 1200 нафардан зиёд спортчи иштирокида ўтказилган «German open — 2013» халқаро турнирида олтин медаль соҳиби бўлгансиз. Осиё ўйинларидаги ютуқ сиз учун қандай аҳамиятга эга?

— Инчеонда голиблик шоҳсупасига кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграган пайтдаги ҳолатимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Мадҳияни бутун жамоа биргалликда куйладик. Осиё ўйинларидаги чемпионлик энг катта ютуқларимдан бири бўлди. Бу гапим фақат совринлар билан боғлиқ эмас. Мен, аввало, ота-онам, устозларим, менга муҳлислик қилиб турган барча юртдошларим ишончини оқлаганимдан бахтиёрман.

— Бирор мусобақада

голиб чиқиш учун спортчида кучли иштиёқ бўлиши керак. Бироқ фақат иштиёқ ёки иқтидорнинг ўзи билан муваффақият қозониш қийин. Бунинг учун яхши тайёргарлик кўриш ҳам керак...

— Мусобақа Осиё ўйинлари деб номлангани билан уни бутун дунё кузатади. Мана шундай нуфузли мусобақага тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлди. Бунда, авваламбор, давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио де Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти жуда катта бўлди. Федерациямиз бизга мазкур қарор асосида махсус дастур ишлаб чиқди ва шунга мувофиқ тайёргарлик кўрдик. Машғулотлар икки босқичда олиб борилди. Дастлаб пойтахтимизда, кейин Тошкент вилоятининг тоғли «Хумсон» дам олиш сиҳатгоҳида шуғулландик. Шунингдек, халқаро мусоба-

қалар Осиё ўйинлари учун охириги тайёргарлик вазифасини ўтаб берди. Хусусан, «Australian open» ва Қозоғистондаги Гранпри мусобақаси маҳоратимизни оширишда муҳим ўрин тутди.

— Сиз учун бу галги Осиё ўйинлари аввалгисидан нимаси билан фарқ қилди?

— Гуанчжоудаги XVI Осиё ўйинлари терма жамоа сафидаги дастлабки турнирларимдан бири. Халқаро тажрибанинг камлиги чорак финал баҳсидаёқ мусобақани тарк этишимга сабаб бўлган. Ўтган тўрт йил давомида турли мусобақаларда қатнашдим. Мураббийларимизнинг кўрсатмаларига биноан камчиликларим устида ишладим. Шу йил май ойида Тошкентда ўтказилган қитъа чемпионати биз учун катта мактаб вазифасини ўтади. Унда қатнашган спортчиларнинг кўпчилиги Осиё ўйинларида ҳам бизга рақиблик қилди. Бу эса уларнинг имкониятини тўғри баҳолаб, шунга монанд тайёргарлик кўришимизга замин яратди. Осиё ўйинларидек му-

собақаларда кучсиз спортчи қатнашмайди. Хитой, Жанубий Корея, Эрон вакиллари жаҳон бўйича ҳам энг кучлилар қаторида туради. Бироқ биз, ўзбекистонликлар улардан ҳам кучлироқ эканимизни намойиш эта олдик. Масалан, менинг ўзим чемпионлик йўлида эронлик икки карра жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори Юсуф Карамийни енгдим. Тошкентдаги Осиё чемпионатининг финалида тўқнаш келган ушбу рақибим билан бу гал илк босқичдаёқ курашдим. Осиё ўйинларидаги энг қийин жангим айнан шу бўлди. Албатта, финалда Хитой вакили Чен Линглонг ҳам менга жиддий қаршилик кўрсатди, шукрки, уни ҳам мағлуб этдим.

— Профессional спортчи, чемпион йигит Жасурнинг ўз соҳасидан бошқа яна нималарга қизиқишини билишни хоҳлардик.

— Албатта, спорт юртимиз довуғини дунёга таратишда мен учун энг қулай воситадир. Лекин ҳаётда спортдан ҳам му-



ҳимроқ нарсалар борлигини инкор этмайман. Китоб, мусиқа, техникага қизиқаман. Профессional ижодкорлар суратга олган фильмларни томоша қилишни яхши кўра-

ман. Умуман, ҳаётда завқ бериш билан бирга фикр уйғотадиган санъат турларига меҳрим банд.

Санжар ИСМАТОВ
суҳбатлашди.

Qadriyat

Ёш хунармандлар учун кенг имкониятлар



Мамлакатимизда миллий хунармандчилик соҳаси жуда қадимий тарихга, бой анъана ва қадриятларга эга. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва Марғилон каби тарихий шаҳарларимиздаги кўҳна обидаларни, уларнинг нақшинкор устунлари, пештоқ ва гумбазларини томоша қилар эканмиз, қўли гул хунарманд усталарнинг меҳнати ва маҳорати туфайли улар асрлар синовидан безавол ўтиб келаётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиз «Кимки бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, қурган иморатларимизга боқсин» деган машҳур сўзлари орқали ана шу меъморий обидаларни тиклашда иштирок этган хунарманд усталар меҳнати абадиятга дахлдор эканини

ҳам таъкидлаган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда миллий хунармандчилик ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Унинг фаолияти учун барча шароитлар яратилмоқда. Яққол мисол — миллий хунармандлар солиқлардан тўлиқ озод қилинган.

Моҳир усталаримиз мамлакатимизда муҳташам бинолар, меъморий мажмуаларни барпо этишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Хусусан, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳридаги Хотира майдони, Ҳазрати Имом мажмуаси, Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий, Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари каби истиклол йилларида бунёд этилган улкан обидаларнинг нақшинкор устунлари, ганчдан ишланган безаклари мисолида хунармандларимизнинг беқиёс хизматини кўришимиз мумкин.

Миллий хунармандчилик — халқимизнинг ўзига хос

турмуш тарзи, унинг қалби ва руҳи, тасаввур оламини намоен этадиган ўзига хос ноёб соҳа. Шунинг учун ҳам юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар миллий хунармандчилик буюмларига алоҳида қизиқиш ва эътибор билан қарайдилар. Ҳар бир ижод маҳсулида халқимизнинг маънавий дунёси, эзгу интилишлари акс этган. Шу маънода, ўтган йили диёримизга дунёнинг 70дан ортиқ давлатидан 2 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюрган экан, бундай улкан натижага эришишда миллий хунармандчилик соҳаси вакиллари ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Президентимиз Ислам Каримов шу йил 2 октябрда Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида мамлакатимизда шаклланган хунармандчилик мактаби фаолиятига юксак баҳо бериб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлагани бежиз эмас: «Ўзбекистондаги меъморий ёдгорликларнинг ўрта асрларга хос нақш ва безаклари Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида янги иншоотларни қуришда намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Кулларимизнинг маҳоратини Франция, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар мутахассислари ўрганмоқда».

Юртимизда фаолият кўр-

сатаётган «Хунарманд» уюшмаси бугунги кунда 21 минг 213 нафар аъзога эга. Унинг сафида хунармандчилик соҳасига қизиқиб, ўз истеъдод ва маҳоратини рўйбга чиқаришга интилаётган ёшлар учун барча шароитлар яратилгани, уюшма аъзоларининг 4 минг 722 нафари айнан ёшлар экани эътиборлидир. Уюшманинг тажрибали хунарманд усталари томонидан ҳар йили «Устозшоғирд» дастури асосида уч мингдан ортиқ ўғил-қиз анъанавий касб-хунарларга ўргатилади.

«Соғлом бола йили»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Ёш тадбиркор — юртга мадақдор» лойиҳаси асосида кўплаб қизиқарли тадбирлар ўтказилди. «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида эса ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмаси ташкил этилмоқда. Уларда республикамизнинг туман ва шаҳарларида фаолият кўрсатётган мингдан зиёд иқтидорли ёш хунармандлар иштирок этмоқда. Тадбирлар якуни бўйича улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси мамлакатимизда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, унинг иқтисодий ва маданий ҳаётимиздаги ўрнини мустақамлашга хизмат қилади.

Ҳилола ҚАРШИБОВЕВА,
ЎЗМУ талабаси

Siz kutgan mavzu

ИШТАҲА — САЛОМАТЛИК БАРОМЕТРИ

Овқат ҳазм қилиши мураккаб физиологик жараён ҳисобланиб, бунда овқатланиш маданиятига риоя қилишининг аҳамияти, шубҳасиз, каттадир. Охириги пайтларда, айниқса, ёшлар орасида кузатилаётган пала-партиш овқатланиш ёки ўз вақтида овқатланмаслик ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу ўринда таомнинг нормал ҳазм бўлишида муҳим роль ўйнайдиган иштаҳа ва у билан боғлиқ баъзи муҳим маълумотларни келтиришни лозим топдик.

Иштаҳа инсоннинг овқат ейишига бўлган кучли иштиёқдир. У ошқозон-ичак йўллари, марказий ва автоном асаб тизимлари, бир қанча гормонлар орқали бошқарилади.

Иштаҳани очлик билан адаштирмаслик керак. Очлик физиологик эҳтиёжлар сирасига кириб, таомни тановул қилишига бўлган ҳоҳиш-интилиш, холос. Иштаҳа турли омиллар, масалан, таомнинг кўриниши (ташқи кўриниши, ҳиди ва ҳоказо), эмоционал ва ижтимоий ҳолат, маданий расм-русумлар билан боғлиқдир.

Худди шу каби инсон бир қанча сабаблар, масалан, руҳий ҳолат: тушкунлик (депрессия), зеркиши, ёлғизлик ёки сурункали касалликлар, айрим дори препаратларини мунтазам истеъмол қилиши иштаҳанинг йўқолишига олиб келади.

ИШТАҲАДАГИ ДУШМАН

Ёшларда иштаҳанинг пасайиши асосан спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, чекиш ва бошқа зарарли одатлар таъсирида кузатилади. Боз устига, спиртли ичимликлар ошқозоннинг ички шиллик пардаси-

таъсирида емирилади ва уларнинг ўрнида бириктирувчи тўқима ҳосил бўлади. Бу ҳолат жигар циррози деб аталади.

Тамаки ҳам иштаҳанинг энг катта душманларидан. Унинг тутуни таркибидаги никотин, аммиак, карбонат ангидрид,

бензол каби захарли моддалар оғиз бўшлиғидан бошлаб одам организмининг барча тўқима ва органларига зарарли таъсир кўрсатади. Чекиш натижасида оғиз бўшлиғи, томоқда ҳар хил ўсмалар пайдо бўлади. Тамаки тутуни таркибидаги кимёвий моддалар ошқозоннинг шиллик қаватини яллиғлантириб, сурункали гастрит касаллигини келтириб чиқаради. Тамаки тутуни таъсирида оғиз бўшлиғидаги сезувчи нерв толалари (рецепторлар)нинг сезувчанлик хусусияти пасайиши натижасида иштаҳа йўқолади.


Орамизда нос чекувчи ёшлар ҳам йўқ эмас. Эътибор

берсангиз, уларнинг кўпчилигида носвойнинг қандай зарарли маҳсулот экани хусусида умуман тушунча йўқ.

Ана, катталар ҳам чекади-ку, туппа-тузук юрибди, дейди. Ҳолбуки, ўша «туппа-тузук» юрган нос-кашларнинг барчасида ички органлар билан боғлиқ жиддий хасталиклар учрайди. Сабаби оддий: нос таркибида уч мингдан ортиқ захарли модда, жумладан, оҳак ва кул ҳам бор. Бу моддалар оғиз бўшлиғида сўлак билан қўшилиб, қизилўнгач орқали ошқозонга тушади. Шунинг учун нос чекувчиларнинг аксарияти оғиз бўшлиғи, қизилўнгач ва ошқозон саратонига чалинади. Нос таркибидаги зарарли моддалар тил остидаги қон томирларга сўрилиб, қон орқали мия, юрак, жигар каби муҳим ҳаётий органларга зиён етказилади.

Тамаки иштаҳанинг энг катта душманларидан. Унинг тутуни таркибидаги **никотин, аммиак, карбонат ангидрид, бензол** каби захарли моддалар оғиз бўшлиғидан бошлаб одам организмининг барча тўқима ва органларига зарарли таъсир кўрсатади.

зона саратонига чалинади. Нос таркибидаги зарарли моддалар тил остидаги қон томирларга сўрилиб, қон орқали мия, юрак, жигар каби муҳим



ҳаётий органларга зиён етказилади.

ТАБИЙ САБАБЛАР

Кўпинча қариялар иштаҳасидан шикоят қилади. Гап шундаки, инсонда ёши ўтган сайин таъм ва ҳид билиш сезгилари фаолиятининг бирмунча пасайиши кузатилади. Шу тўғрисида иштаҳа йўқолади. Тагин аксарият кекса ёшли одамлар таомга ҳаддан зиёд

ҳужайра ва тўқималарда ўзлаштирилмасдан, пешоб билан чиқиб кетиши туфайли бемор тез оч қолади ва тез-тез овқатланишга мажбур бўлади. Акс ҳолда тери остидаги захира ёғ моддалари парчаланиб, глюкозага айланади. Ҳатто ҳужайра ва тўқималар таркибидаги оксил, ёғ моддалари ҳам глюкозага айланиб, қонга ўтиши мумкин. Қандли диабет касаллигини келтирувчи асосий сабаблардан бири пала-партиш овқатланиш, хамирли таомлар ва ширинликларни мунтазам истеъмол қилишдир.

Шуниси қизиқки, эркаклар ва аёллар айрим маҳсулотларни турлича ҳазм қилади. Канаданинг Лавал университети олимлари буни қаҳва мисолида синаб кўрдилар. Аниқланишича, қаҳвадаги кофеин эркакларда 22 фоизгача энергиянинг йўқолишига олиб келади. Аёллар организми эса бундай таъсирдан холи.

Озиқ-овқатнинг ранги ҳам иштаҳага сезиларли таъсир этишини Гавайи университети олимлари исботлаган. Кўк ранг иштаҳани бўғади. Озишни истаганлар кўк идишларда овқат истеъмол қилса, мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, иштаҳа билан истеъмол қилинган таом яхши ҳазм бўлиб, умримизни узайтиради.

Сабоҳат ТОШПҲЛАТОВА,
Геномика ва биоинформатика маркази тадқиқотчиси

Нос таркибида **уч мингдан ортиқ захарли модда** бор. Нос чекувчиларнинг аксарияти оғиз бўшлиғи, қизилўнгач ва ошқозон саратонига чалинади. Нос таркибидаги зарарли моддалар тил остидаги қон томирларга сўрилиб, қон орқали мия, юрак, жигар каби муҳим ҳаётий органларга зиён етказилади.

туз, шакар ёки аччиқ кўшиб, уни «мазали» қилишга уринади. Бу ҳам иштаҳа пасайишига олиб келади.

Айрим касалликларда иштаҳа, аксинча, кўтарилади. Жумладан, қандли диабет касаллигида инсулин гармонини ишлаб чиқарувчи ошқозон ости бези функциясининг бузилиши оқибатида инсулин керакли микдорда қонга ўтмайди. Натижада организмда углеводлар алмашинуви бузилади, яъни овқат таркибидаги углеводларнинг парчаланишидан

ҳосил бўлган қанд (глюкоза) гликогенга айланмай, унинг қондаги микдори ортиб кетади. Бемор истеъмол қилган овқат таркибидаги углеводлар

Сурункали гепатит билан оғриган бемор спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттирверса, жигар ҳужайраларининг бир қисми захар таъсирида емирилади ва уларнинг ўрнида бириктирувчи тўқима ҳосил бўлади. Бу ҳолат **жигар циррози** деб аталади.

ни яллиғлантириб, сурункали гастрит ва ошқозон яра касаллигини келтириб чиқаришини ҳам унутмаслик лозим.

Спиртли ичимлик ошқозон орқали қон томирларига сўрилади ва жигарга тушади. Жигарда спирт парчаланиб, сирка кислота ва бошқа захарли моддалар ҳосил бўлади. Улар жигар ҳужайраларини яллиғлантириши натижасида сурункали гепатит юзага келади. Сурункали гепатит билан оғриган бемор спиртли ичимлик истеъмол қилишни давом эттирверса, жигар ҳужайраларининг бир қисми захар

Bolalar sporti

Спортга — полвон, синорда — аълочи

Бугун мамлакатимизда 2 миллион нафарга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий спорт мажмуалари, таълим муассасалари уларнинг жисмонан соғлом ва бакуват, руҳан тетик, маънан етук инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилаётир.

Шаҳрихон туманидаги 2-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Абдурахмон Мўми-

нов ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган иқтидорли ёшлардан. У

икки йилдан буён тумандаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида устози Ислонбек Парпиев кўмагида дзюдо сирларини кунт билан ўрганмоқда. Абдурахмон эндигина етти ёшга кирган бўлишига қарамай, бир нечта мусобақада зафар кучишга улгурди.

Масалан, шу йилнинг ўзида Шаҳрихон туман очик чемпионатида икки марта олтин медаль соҳиби бўлди.

— Спорт билан шуғулланган бола соғлом бўлади, — дейди Абдурахмон полвон. — Мен ҳар куни югураман, машқ қиламан. Бекорчиликни жуда ёмон кўраман. Спорт менинг мактабда фанларни яхши ўзлаштиришимга ҳам ёрдам берапти. Аъло баҳолар олаяпман. Сиз ҳам спорт билан шуғулланинг!

Миролим ИСАЖОНОВ
Рустамбек АРАББОЕВ олган сурат



Munosabat

Судья билан учрашув



Ёшларнинг мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларига ҳурмат ҳиссини камол топтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшлар ҳаётига оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоят хўжалик судида «Ҳуқуқий маданият — ёшлар тарбиясида энг устувор йўналиш» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни Самарқанд вилоят хўжалик суди раиси Б.Исаков очиб берди ва мамла-

катимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти, ҳуқуқий

саводхонликнинг инсон ҳаётидаги ўрни тўғрисида фикр билдирди. Давра суҳбати

иштирокчилари учун махсус ролик намойиш этилди.

Шундан сўнг, Самарқанд вилоят хўжалик суди раиси ўринбосари О.Асатов, Самарқанд вилоят суди судьяси Й.Норбеков ва Ҳаракатнинг вилоят кенгаши бўлим мудирини Д.Нарзиқулов «Хўжалик судлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар», «Ҳуқуқий маданият — ёшлар тарбияси учун энг устувор йўналиш» каби мавзуларда маъруза қилди.

Учрашувда ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» мухбири



Рустам Назарматов олган сурат

Bilasizmi?

Беминнат гастёрлар

Уй ишларида биз учун беминнат гастёрлар — маънавий техника жиҳозларисиз ҳаётимизни тасаввур этолмаймиз. Қизик, масалан, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, қазмолни биринчи бўлиб ким ишлатган экан? Эҳтилол, қадим замонлардаёқ, ундан фойдаланишгандир. Бугун биз кўникиб қўлган, кўзимиз ўрганиб қолган замонавий электр қазмол ХХ асрда ихтиро қилинган, дегани бу — кимлар ундан аввал қазмолланмаган кийим кийган, дегани эмас-ку, тўғрими? Ёки тикув машиналарини олайлик. Унинг кашф этилиши чебарлар ишини осонлаштирган, холос. Ушман, ҳар бир ихтиро ёки кашфийёт инсонлар оғирини енги, мушқинини осон қилгандагина ўзини тўғри, оқлаган бўлади. Қўйида келтирилаётган маълумотлар ана шундай фойдали кашфийётлар ҳақидадир.




Тикув машинасини 1846 йилда Элиас Хове ихтиро қилган. 1851 йилда Исаак Зингер уни такомиллаштирган.


Электр қазмол 1882 йилда яратилган. Унинг пластинкасида ток ўтганда иссиқлик ажралиб, қазмолни қизитган.



Электр чойнак ХХ аср бошларида, музлаткич ундан сал кейинроқ, яъни ўтган асрнинг 10-йилларида яратилди.



Кондиционер 1815 йилда кашф этилган.



Илк чангюкчилар 1860 йилларда ихтиро қилиниб, йиллар ўтгани сари такомиллашиб борди. Бугун уй бекаларининг беминнат дастурига айланган замонавий чангюкчилар ХХ асрнинг охирига келиб ишлаб чиқарила бошлади.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА
тайёрлади.

КҮЗ

Сокингина боғда кезаман ёлғиз,
Олтин куз келгани билдирам шу чоқ:
Ҳамма ёқда шу ҳол, ҳамма ёқда куз,
Шамолда қалтираб қўяди бутоқ.

Йўлакчада учар хазон — беқўним,
Осмон йиғламоқчи — турар билиниб.
Баргининг паймонаси тўлибди лим-лим,
Сўнги бардошига турар илиниб.

Мадина ШОАБДИЕВА,
коллекж ўқувчиси.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Халқ орасида «Довудий овоз соҳиби», дея улуғланган машҳур ўзбек ҳофиси ким?

Жавобингизни **21 октябрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Америка Қўшма Штатлари.
Юнусобод туманидан Турсуной Ҳожикурбонова биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллади.

Тлафаккур қилмонидан бир қатра

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Алишер Навоий